

**«Asaka yog'» АЖ кузатув кенгаши
аъзоларининг 29.01.2017 йилдаги
йигилиш қарори билан
“Тасдиқланган”**

**«Asaka yog'»
aksiyadorlik jamiyati**
“КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШЛАРИНИ
СЎРОВ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН, ШУНИНГДЕК,
ВИДЕОКОНФЕРЕНЦ-АЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ”
РЕГЛАМЕНТИ

2017 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Кузатув кенгаши йиғилишларини сўров йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолати ва тартиби
3. Якунловчи қоидалар

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонунчилик актлари, «Asaka yog'» aksiyadorlik jamiyatining Ustavi (matn бўйича «Жамият»), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 9-сонли йиғилиши баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, «Asaka yog'» АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига мувофиқ ишлаб чиқилган, кузатув кенгаши йиғилишларини сўров йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолати ва тартибини белгилайди.

II. Кузатув кенгаши йиғилишларини сўров йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолати ва тартиби

2. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишлари сўров йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

3. Кузатув кенгаши йиғилишлари қуйидаги масалалар бўйича сўров йўли билан ўтказилиши мумкин эмас:

- Жамият молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари режаларини тасдиқлаш;

- акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш, умумий йиғилишни чақириш ва ўтказиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш;

- Жамият йиллик ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш;

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни бекор қилиш ёки чақириш;

- Кузатув кенгаши раисини сайлаш ёки қайта сайлаш;

- Жамият ижроия органини шакллантириш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш, агарда ушбу масала Жамият Уставида Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бўлса;

- Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

- Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкиллаштириш;

- Жамият ички аудит хизматини тузиш;

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунинг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик

фоизигача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 – бобига асосан Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

4. Жамият фаолиятига доир ва Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар (ушбу тартибнинг 3-бандида кўрсатилган масалалардан ташқари) бўйича Кузатув кенгаши йиғилишлари сўров йўли билан ўтказилиши мумкин.

5. Кузатув кенгашининг йиғилишлари сўров йўли билан ўтказилгандан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай йиғилиш баённомаситузилади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

6. Сўров йўли билан ўтказилган Кузатув кенгаши йиғилиши баённомасидақўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

- Сўров йўли билан овоз бериш учун киритилган масалалар;
- Ҳар бир масала бўйича қабул қилинган қарорлар ифодаланганлиги;
- Ҳар бир масала бўйича берилган овозлар натижаси;
- Сўров йўли ўтказилган йиғилиш санаси.

7. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сўров йўли билан Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

8. Сўров йўли билан ўтказилган йиғилиш баённомаси «DORI-DARMON» АК Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ, кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

9. Жамиятда техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган тақдирда, кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

10. Кузатув кенгаши йиғилишлари қуйидаги ҳолларда видео-конференцалоқа режимида ўтказилади:

- Кузатув кенгаши аъзолари хизмат сафарида бўлганида;
- Кузатув кенгаши аъзолари меҳнат таътилида бўлганида;
- бошқа узрли сабабларга кўра.

11. Кузатув кенгашининг йиғилишларини видеоконференц-алоқа режимида ўтказишда Жамият томонидан таклиф этилган махсус дастурий таъминот ўрнатилган бўлиши, Кузатув кенгаши аъзоларида махсус қурилма (ноутбук, нетбук ёки android, IOS дастурида ишловчи уяли алоқа телефони) мавжуд бўлиши ва интернет тармоғига уланган бўлиши (тезлик камида 1 мб/сек) ҳамда видеоконференц-алоқа тизимида уланишда аутентификациядан ўтиш бўйича логин ҳамда паролга эга бўлиши лозим.

12. Кузатув кенгашининг видеоконференц-алоқа режимда ўтказилган йиғилишлари Кузатув кенгаши барча аъзоларининг иштирокида ўтказилган йиғилишлари билан бир хил аҳамиятга эга.

13. Кузатув кенгашининг видеоконференц-алоқа режимда ўтказилган йиғилишларида қонунчиликда белгиланган ва Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи Жамият фаолиятига доир барча масалалар кўриб чиқилади.

14. Кузатув кенгашининг видеоконференц-алоқа режимда ўтказилган йиғилиши баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) кунданкечиктирмай тузилади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

III. Яқунловчи қоидалар

15. Агар мазкур Регламентнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг уставига ҳамда «Asaka yog'» АЖ кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Регламентга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига ва «Asaka yog'» АЖ кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга амал қилинади.